

БУЮК ЎРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Республикамида ёшларга бўлган имкониятлар туфайли кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Утган вақт ичидаги ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.



БУЮК ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури доирасида 719 млрд сўмлик 4 633 та бизнес лойиҳалар амалга оширилди. Ҳудудларда 125 та “Ёшлар меҳнат гузари”, 19 та “Ёш тадбиркорлар” коворкинг маркази, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оиласарга 1 731 та “Ёшлар уйлари” қурилиб, фойдаланишга топширилди.

БУЮК ЎОРТИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

«Ёшларга оид Давлат сиёсати» тўғрисидаги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланди.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.



БУЮК ЎРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, “Темурбеклар мактаби”, “Президент мактаблари”, “Ижод мактаблари” деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.



БУЮК ЎОРТИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги
“Ёшларга оид давлат сиёсати
самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-
куватлаш тўғрисида”ги фармони қабул
килинди. Фармон бандларидан бирида
“Буюк давлат арбоби ва саркарда
Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга
садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик,
фидойилик ваadolatпарварлик каби юксак
фазилатлари ёш авлод учун ўrnak бўлиб
хизмат қилишини инобатга олган ҳолда,
республиканинг барча ҳарбий академик
лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи
берилсин”, деб белгиланган.

БУЮК ЎРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъододли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича



Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ: Қорақалпогистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилди

БУЮК ЎРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг Ўрта махсус,
касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини
такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги
ПҚ-3504-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг
ижросини таъминлаш, санъат ва маданият
соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш,
малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар
яратиш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Ўзбекистон
Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг Ўрта махсус,
касб-ҳунар таълими маркази
фаолиятини такомиллаштириш
тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-
3504-сон қарори билан санъат ва
маданият коллежлари
битирувчиларига давлат намунасидаги
диплом бериладиган
ихтисослаштирилган санъат ва
маданият мактаблари ҳамда мактаб-
интернатларга яъни «Ижод
мактаблари»га айлантирилди.

БУЮК ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳар йили давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига биноан, таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган, ўн тўрт ёшга тўлган ҳамда ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга берилади.

2000 — 2018 йиллар давомида мазкур мукофотга **283 нафари** хотин-қиз сазовор бўлган.

Уларнинг **65 нафари** адабиёт, **79 нафари** маданият (шундан спортчи кизлар **49 нафар**), **49 нафари** санъат, **24 нафари** фан, **43 нафари** эса таълим йўналишлари бўйича тақдирланган.



Совриндорларнинг **9 нафари** Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати, **11 нафари** Навоий ва Ибн Сино стипендиялари соҳибалари бўлган, **87 нафари** эса Осиё, жаҳон ва бошқа нуфузли халқаро мусобақалар ҳамда танловлар ғолиблигини қўлга киритган ёшлардир.

БҮЮК ЙОРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Маълумотларга кўра:

- * 2016/2017 ўқув йилида ОТМлар сони 77та, 2017/2018 ўқув йилида 86тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 95тага етди;
- * 2018/2019 ўқув йилида 51та ОТМда сиртқи таълим, 22та ОТМда махсус сиртқи таълим, 9та ОТМда кечки таълим йўлга қўйилди;

- * 2018/2019 ўқув йилида бакалавриат бўйича 66та, магистратура бўйича 48та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди;
- * Бугунги кунда жами талабалар сони 344 790 нафарга етди;
- * Янги тартибларга мувофиқ, ҳатто биринчи курсдан ҳам ўқишга қайта тикланиш мумкин. 4та фандан қарздорлик автоматик равишда ўқишдан четлаштирилишга, 3та фандан қарздорлик махсус комиссияга қайта имтиҳон топширилишига сабаб бўлади;
- * Республика олий таълим муассаларида 25 418 нафар профессор ўқитувчилар фаолият юритмоқда;
- * Охирги икки йилда тизимга сарфланган маблағлар миқдори 83,7 фоизга орtdi. 2018 йилда жами 784,7 млрд сўм маблағ ажратилган. Бундан 351,3 млрд сўм иш ҳақига, 269 млрд сўм стипендияларга, 86,3 млрд сўм иш ҳақидан ажратмага, 78,1 млрд сўм бошқа харажатларга сарфланади.

БУЮК ЎРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



**Президентимиз Шавкат
Миронович Мирзиёев ижтимоий,
маънавий-маърифий соҳалардаги
ишларни янги тизим асосида йўлга
қўйиш бўйича 5 та муҳим
ташаббусни илгари сурди.**

Улар қуидагиларни қамраб олади:
Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа,
рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа
турларига қизиқишлигини оширишга,
истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний
чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида
қобилиятини намоён қилишлари учун зарур
шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида
компьютер технологиялари ва интернетдан
самарали фойдаланишини ташкил этишга
қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини
юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг
тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил
етишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан
таъминлаш масалаларини назарда тутади

БУЮК ЙОРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



БУЮК ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси
Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат
стипендиялари

Барча талабаларнинг катта орзу ва мақсади бўлмиш
имтиёзли давлат стипендиялари ҳар йили ўзининг
янгидан янги эгаларини топиб бормоқда. Давлат
стипендияси соҳибига айланиш талаба учун нафақат
моддий рағбат, юксак ном ва эътироф ҳамдир. Хўш,
минглаб, борингки миллионлаб талабгорларни ўзига
оҳанрабодек чорлайдиган президент стипендияси ва
номли давлат стипендияларини қандай қўлга киритиш
мумкин?

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва И мом ал-
Бухорий номидаги давлат стипендиялари
Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим
муассасаларининг бакалавриат бўйича ўқиётган
охирги икки курс талабаларига тайинланади.
Номли давлат стипендияларига талабгор талаба
қуидаги мезонларни бажариши талаб этилади: *

Фанларни аъло баҳога ўзлаштириши; * Илмий
(ижодий) ишларда иштирок этиб ўзини кўрсатиши;

* Давлат тилидан ташқари яна битта хорижий
(Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари
давлат тилларидан ташқари) тилни билиш,
бакалавриатдаги таълим йўналиши хорижий тил
хисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равища
яна битта хорижий тилни билиши; Ўзбекистон
Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун
эса ўқиш олиб бориладиган тилни қўшимча
равища билиш талаб қилинади..

БҮЮК ЎОРТИНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



